

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил 8 февраль куни жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Б.Эргашев, халқ маслаҳатчилари Р.Мирзажонов ва Н.Худайқуловдан иборат таркибда, судья ёрдамчиси М.Исмоналиевнинг котиблигида, тарафлардан туман прокурори катта ёрдамчиси Р.Умаров ва ҳимоячи Ф.Валиеванинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан айбланган

Ортиков Бунёдjon Бозоржонович, 1987 йил 10 июлда Олтиариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам:

1. Жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман судининг 2009 йил 23 январдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми, 169-моддаси 2-қисми “в” банди, 25,169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ туман судининг 2013 йил 14 ноябрдаги ажрими билан ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган 2 йил 7 ой 27 кун жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган;

2. Жиноят ишлари бўйича Кўштепа туман судининг 2014 йил 16 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57,60-моддаларига асосан 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон шаҳар судининг 2017 йил 30 июндаги ажрими билан ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмаган 3 йил 13 кун жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг 2019 йил 29 октябрдаги ажрими билан ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмаган 9 ой 9 кун жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, Олтиариқ туманидаги “Тожихон она келажаги” фермер хўжалиги раҳбари, Олтиариқ тумани, “Файзиобод” МФЙ, Намуна кўчаси, 193-уйда яшаган, иш бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланиб, 2022 йил 21 август кунидан қамоқда бўлган, айблов ҳулосаси нусхасини 2022 йил 16 декабрда олганга

оид 1-1514-2202/519-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд судланувчи, марҳумнинг қонуний вакили ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов ва суд мажлисида тўпланган



далилларга ҳар томонлама, тўла ва атрофлича баҳо бериб, тарафлар фикрини муҳокама қилиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Б.Ортиқов муқаддам оғир ва ўта оғир жиноятлари учун судланиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаган бўлса-да, ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, қасддан одам ўлдириш жиноятини қуйидаги вақт, усул ва ҳолатларда содир этган.

Хусусан, Б.Ортиқов турмуш ўртоғи М.Исақова ҳиёнат қилганидан шубҳаланиб, 2021 йил ёз ойларида мазкур масала бўйича жанжаллашганлиги оқибатида М.Исақова онаси Х.Исақованинг Олтиариқ тумани, “Навоий” МФЙ, Навоий кўчаси, 6-А уй, 11-хонадонига кетиб юборган. Шундан сўнг, Б.Ортиқов ва М.Исақованинг ўрталарида бир неча бор келишмовчиликлар ва оилавий жанжаллар юзага келиб, М.Исақова 2022 йил июнь ойида Туркия давлатига кетиб, 2 август куни яшаш хонадонига қайтиб келган. Шунда Б.Ортиқов турмуш ўртоғи М.Исақовани Туркия давлатидан қайтиб келганлигидан хабар топгач, унга яна бирга яшашни таклиф қилиб, у билан фермер хўжалиги ҳудудидаги яшаш учун мослаштирилган контейнер вагонда ҳамда М.Исақованинг онаси Х.Исақовага тегишли бўлган хонадонда яшаб келишган.

2022 йил 21 август куни Б.Ортиқов М.Исақованинг ижарага олган хонадонига тунаб қолиб, шу куни эрталаб соат 06 ларда уйдан чиқиб, “Спарк” русумли автомашинасида Олтиариқ тумани, “Қизилтепа” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Тожиҳон она келажаги” фермер хўжалигига кетаётган вақтида автомашинаси ўриндиғига тушиб қолган турмуш ўртоғи М.Исақовага тегишли “Xiaomi POCO” русумли уяли алоқа воситасига турк тилида ишқий мазмундаги СМС хабарлар келаётганлигини кўриб, бундан ғазабланиб, мазкур масала юзасидан турмуш ўртоғи М.Исақова билан телефонда тортишиб, фермер хўжалигига борган. Сўнг контейнер вагон ёнида турган М.Исақовага телефон хотирасини текшириб кўришини айтиб, ундан телефон аппаратини блок ҳолатидан чиқариб беришини талаб қилганида, М.Исақова талабини бажармасдан, ундан телефон аппаратини қайтариб беришни сўрагани учун ўрталарида жанжал юзага келиб, Б.Ортиқов М.Исақовани кўкрак қафаси қисми ва баданининг турли жойларига оёғи билан тепиб, ерга йиқитган ҳолда бўйнидан ушлаб, бошига мушти билан бир неча маротаба урганида, М.Исақова эса унга қаршилик кўрсатиб, ўша ердаги ўроқ билан Б.Ортиқовнинг чап оёқ болдир қисмига урган. Шунда Б.Ортиқов М.Исақовани контейнер вагонга судраб олиб кириб, қўлидаги ўроқ ва темир бўлаги билан унинг боши ва танасининг турли жойларига муттасил равишда тартибсиз зарбалар бериб, мушти билан бошига уриб, уни қасддан ўлдирган.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш давомида Олтиариқ тумани “Қизилтепа” МФЙ ҳудудида жойлашган “Тожиҳон она келажаги” боғдорчилик фермер хўжалиги ер майдонида жойлашган яшаш учун мўлжалланган темир контейнер вагоннинг хонаси ва ён атрофлари сатҳидан



конга ўхшаш доғлар, бир жуфт аёллар зираги, икки дона ўроқ ва унинг бўлаклари, кетмонча, темир бўлаги ҳамда хўжалик пичоғи ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2022 йил 21 сентябрдаги 418-сонли хулосасига кўра, марҳум М.Исақовада бош юмшоқ тўқималар остига ва чап чакка мушагига қон қуйилиши, бош мия тепа бўлакларини геморрагик лат ейиши, бош мия қоринчаларига қон қуйилиши, чап ўпка пастки бўлагини лат ейиши, пешона, тепа ва чакка соҳаларида санчиб-кесилган яралар, чап чакка, чап қулоқ супраси, чап қош ёйи, чап билак, чап қўл кафти, ўнг билак, ўнг тирсак бўғими, юқори лаб соҳаларида лат еган яралар, ўнг лўнж, ияк, чап елка бўғими, ўнг елка, кўкрак, чап билак, ўнг қўл ва қўл кафти бармоқларида, чап чаноқ-сон бўғими, ўнг билак, ўнг ва чап кўз қовоқлари соҳаларида қонталашлар, юқори ва пастки лаб шиллик қаватлари остига қон қуйилиши, ўнг тизза бўғими соҳасида шилинма, қорин ўнг ёнбош, ўнг тизза бўғими, чап билак соҳаларида тирналмалар бўлиб, барча тан жароҳатлари ўлими юз беришидан олдин қаттиқ ўтмас, юзаси чегараланган (қиррали) ўткир санчиб-кесувчи жисмлар таъсирида, тартибсиз равишдаги кетма-кетликда, бир неча маротаба берилган зарбалар натижасида юзага келгани, бош тепа ва чап чакка соҳаларидаги яраларни шакл кўриниши, жароҳат етказувчи ўткир санчиб-кесувчи жисм таъсирида етказилган бўлиб, ушбу буюм(лар) 0,2 сантиметрдан кам бўлмаган “П” симон шаклда экани, бош чап чакка соҳаларидаги яра(лар)ни шакл кўриниши, жароҳат етказувчи жисмни шикастловчи юзаси етарлича чегараланган диаметри 1,7 сантиметрдан кам бўлмаган цилиндрсимон буюм экани, билаклар, қўл кафт(лар)и бармоқлар соҳаларидаги жароҳатларни тўплам бўлиб жойлашиши эса жароҳат етказувчи жисмни юзаси етарлича яссилашган бўлган бўлиши мумкинлиги, жароҳатларни сони ва хусусиятлари - бош ва қўл қисмига бир неча маротаба зарбалар етказилган бўлиб, жароҳатларни тўплам ва бир-бирига деярли яқин жойлашишини инобатга олиб, жабрланувчини танаси ва жароҳат етказувчини ҳолати, жароҳат етказиш вақтида деярли узгармаган, яъни жароҳат етказувчи жабрланувчига нисбатан олди томонда жойлашган ва шу вақт оралиғида жабрланувчини танаси ясси текисликка бирлашган ҳолатда бўлган ҳам бўлиши мумкинлиги, бош мия тепа бўлакларини геморрагик лат ейиши, бош мия қоринчаларига қон қуйилиши ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикастлар тоифасига киришлиги;

марҳум М.Исақованинг ўлимига каллани тумтоқ шикасти, бош мия моддасини геморрагик лат ейиши, мия қоринчаларига қон қуйилиши сабаб бўлганлиги аниқланган.

Судга оид психиатрия экспертизасининг 2022 йил 30 сентябрдаги 411-сонли хулосасига кўра, Б.Ортиқов ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилаётган вақтида аффект (кучли руҳий ҳаяжон) ҳолатида бўлмагани, ўз ҳаракатларининг моҳиятини англаган ҳолда содир этганлиги, жиноят содир этиш вақтида ўзининг ҳаракатларига жавоб бера олганлиги ва бошқара олганлиги, руҳан соғломлиги, тергов ва суд босқичида қатнаша олишлиги;



биологик экспертизасининг 2022 йил 5 октябрдаги 81-сонли хулосасига кўра, текширувга тақдим қилинган бир дона дастаси синиқ ўроқ, бир дона дастасиз ўроқ, тўрт дона синган ёғоч дасталар, бир дона ошхона пичоғида инсон қони аниқланиб, ушбу қон доғлари АВ(II),Н гуруҳли ҳар қандай шахсга, хусусан марҳум М.Исақовага ҳам тегишли бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

Судда судланувчи Б.Ортиков айбига қисман иқрорлик билдириб, марҳума М.Исақова билан 2019 йил 25 август куни шаръий никоҳ ўқитиб, Олтиариқ тумани, “Қизилтепа” МФЙга қарашли ўзининг “Тожиҳон она келажаги” фермер хўжалиги ҳудудида бўлган, яшаш учун мослаштирилган контейнер-вагон уйида бирга яшаб келгани, турмушлари давомида бир нафар қиз фарзанд кўргани, 2021 йилнинг ёз ойларида М.Исақовани бегона шахс билан гаплашиб, смс хабарлар ёзишганини билиб қолгани сабаб ўрталарида келишмовчиликлар юзага келиб, М.Исақова онаси Х.Исақованинг уйига кетиб қолгани, бироқ М.Исақова билан телефонда гаплашиб тургани, 2021 йилнинг куз фаслида муносабатлари тикланиб, М.Исақованинг таклифи билан яна бирга яшай бошлагани, лекин 2022 йил март ойида яна ўзаро келишмовчиликлар сабабли ажрашгани ва М.Исақованинг аризасига кўра ундан суднинг алимент ундириш ҳақидаги қарори қабул қилингани, шундан кейин М.Исақова билан кўришиб, унга алимент пулларини тўлаб бериши, у МИБга бориб тилхат ёзиб беришини айтганида, М.Исақова 17.000.000 сўм алимент пулларини олиб кетиб, турли баҳоналар билан тилхат ёзиб бермагани, орадан анча вақт ўтиб кўнғироқ қилиб Россия Федерациясида эканлигини айтгани, кейин 2022 йил 6 август куни М.Исақова кўнғироқ қилиб, қайтиб келганини айтиб уйига чақиргани, шундан кейин М.Исақова 500 АҚШ доллари берса ва қизини чет элга олиб чиқишга розилик аризаси ёзиб берса МИБга бориб алиментни тўлиқ олгани ҳақида тилхат ёзиб беришини айтгани, шундан кейин М.Исақова билан туман МИБ бўлимига бориб, ўзаро ишларини ҳал қилгани, шундан сўнг М.Исақова билан фермер хўжалигидаги контейнер-вагон уйида ва М.Исақованинг онасининг хонадонида ва М.Исақованинг ижарадаги хонадонида яшаб келишгани, 2022 йил 20 август куни М.Исақова билан қизини олиб Фарғона шаҳрида айланиб келганлари ва М.Исақованинг ижарадаги уйида бирга қолгани, эртаси 21 август куни эрталаб соат 06 ларда у ердан чиқиб, “Спарк” автомашинасида Олтиариқ тумани, Файзиобод маҳалласидаги отасининг уйига бориб, у ердан фермер хўжалигига кетгани, йўлда кетаётганида автомашинасининг ўриндиғида қолган М.Исақованинг телефон апаратини кўриб қолгани ва телефонга турк тилида ишқий мазмундаги смс хабарлар келгани, бироздан кейин турмуш ўртоғи унга кўнғироқ қилиб, телефон апаратини олиб келиб беришини айтгани, у билан телефонда тортишиб кетиб фермер хўжалигидаги контейнер-вагон уйига борганида М.Исақова ўша ерда бўлгани, шунда М.Исақовага смс хабарлари ҳақида айтиб, телефон апаратини блок ҳолатидан чиқариб бериши, телефоннинг хотирасини текшириб кўришини айтганида, М.Исақова талабини бажармасдан, уни турли куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилиб жанжаллашиб кетгани,



шундан кейин М.Исақовани кўкрак қисмига ва танасининг турли жойларига оёғи билан тепиб юборгани, М.Исақова контейнер ёнига йиқилиб тушгани, кейин М.Исақовани ўтирган жойида бўйнидан ушлаб бош қисмига қўли билан бир неча бор ургани, М.Исақова ўша ерда турган ўроқ билан чап оёқ болдир қисмига ургани, кейин М.Исақовани бошига қўли билан урганида М.Исақова бетонга йиқилгани, шундан кейин М.Исақовани судраб, контейнер-вагон ичига олиб кириб, танасининг дуч келган жойлари ва бош қисмига тўхтовсиз ургани, лекин М.Исақовани айнан нима билан урганлиги, қўли биланми, пичоқ, ўроқ ёки бошқа нарса биланми билмаслиги, сабаби ўша пайтда турмуш ўртоғи М.Исақовани телефонида бир нотаниш турк йигит билан тушган суратларини кўриб, М.Исақова уни алдаб Россия Федерациясига эмас Туркия давлатига кетиб юборганини билиб, жаҳли чиқиб, кучли рухий хаяжон ҳолатида бўлиб нима қилаётганини билмай қолгани, уни ўроқ билан урган бўлиши мумкинлиги, шунда М.Исақова хушини йўқотиб кўкариб кетгани, унга ёрдам кўрсатиш учун ташқарига олиб чиқиб, сув сепгани, сунъий нафас олдириб юрагини уқалагани, лекин ўзига келмаганидан кейин М.Исақовани “Спарк” автомашинасига солиб туман марказий шифохонасига олиб боргани, кейин туман ИИБга бориб айбини тан олиб ўзини топширгани, марҳуманинг қонуний вакили Х.Исақовадан кечирим сўрашлиги, бўлган ҳолатдан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий шароитини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Б.Ортиқовнинг айби судда қилмишига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, суд мажлисида текширилган қуйидаги далиллар билан:

марҳуманинг қонуний вакили Х.Исақованинг судда, марҳума М.Исақова қизи бўлгани, уни Б.Ортиқовга 2019 йилда шаръий никоҳ асосида турмушга узатгани, охириги пайтларда қизи Б.Ортиқов билан турли сабаблар билан тез-тез жанжаллашиб кўп маротаба уйига келиб қолгани ва 2021 йил август ойида М.Исақова кўчларини йиғиштириб уйига қайтиб келгани, қизи билан куёви Б.Ортиқов нима сабабдан жанжаллашганларини билмаслиги, 2022 йил апрель ойида Б.Ортиқов қизини яна бирга яшашга кўндириб, уйдан олиб кетгани ва улар Б.Ортиқовнинг фермер хўжалиги дала ер майдонидаги контейнер-вагон уйида бирга яшаганлари, лекин орадан кўп вақт ўтмасдан М.Исақова Б.Ортиқов билан жанжаллашиб яна уйига қайтиб келгани, 2022 йил июнь ойида М.Исақова ишлаб пул топиб келиш мақсадида Россия Федерациясига кетгани ва у ердан кўнғироқ қилиб чевархонада ишлаётганини айтгани, кейин 2022 йил 2 август куни М.Исақова қайтиб келгани ва қизини ҳам олиб кетишини, бунинг учун Б.Ортиқовдан ишончнома ёздириб олишини айтгани ва Б.Ортиқов билан кўп маротаба телефонда жанжаллашгани, Б.Ортиқов қизи билан оиласини тикламоқчи бўлиб келганида М.Исақова рад қилгани, шунда ўзи қизини кўндирмоқчи бўлганида М.Исақова Б.Ортиқов унга “сени бир куни ўлдираман, боғимни бир бурчагига кўмиб ташлайман, қизингни каналга отиб юбораман, сени ўлдираман, мендан сўрашса онасиникида, мен билмайман деб туравераман” деганини айтиб Б.Ортиқов билан яшамаслигини билдиргани, шу орада



М.Исақова кўшни хонадонни ижарага олиб у ерга кўчларини жойлаштириб кўйгани, 2022 йил 20 август куни соат 13<sup>30</sup> ларда уйига келганида, уй олдида Б.Ортиқовнинг “Спарк” русумли автомашинаси турганини кўргани, уйга кирганида қизи ва куёви Б.Ортиқов ижарадаги хонадонда бўлганлари, шу куни соат 18 ларда М.Исақова Б.Ортиқов билан “Спарк” автомашинасида кетиб соат 23 ларда қайтиб келиб ижарадаги хонадонига кириб кетгани, эртаси 2022 йил 21 август куни соат 06 ларда куёви Б.Ортиқов кетаётганини кўргани, соат 07<sup>30</sup> ларда М.Исақова чиқиб, набирасини уйда қолдириб, ишхонасига бориб келишини айтиб уйдан чиқиб кетгани, ўша куни тушдан кейин ИИБ ходимлари келишиб М.Исақова Б.Ортиқов томонидан фермер хўжалигидаги контейнер-вагон уйида уриб ўлдирилгани ҳақида маълум қилишгани, Б.Ортиқов қизини бирор бир хонага қамаб урган деб ҳисоблаши, сабаби М.Исақова аввал ҳам Б.Ортиқов уни вагонга қамаб уриши, имкон бўлиши билан ўзи қочиб чиқиб кетиши ҳақида айтгани, ҳозирда Б.Ортиқовга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар бўйича даъвоси йўқлиги ҳамда унга нисбатан енгиллик беришни сўрашлиги ҳақидаги;

гувоҳ Н.Ғоффоровнинг судда, Б.Ортиқовнинг фермер хўжалиги дала ер майдони ўзи дехқончилик қиладиган ер майдони билан ёнма-ён жойлашгани, 2022 йил 21 август куни соат 11<sup>30</sup> ларда дала ер майдонига экилган бедаларни ўрдириш масаласида Б.Ортиқов билан гаплашмоқчи бўлиб унинг контейнер-вагони ёнига келганида Б.Ортиқовнинг “Спарк” русумли автомашинаси ташқарида турганини кўргани, вагон ичкарасидан эса бир неча бор дупур-дупур овозлар эшитилгани, кейин Б.Ортиқовни чақирганида Б.Ортиқов контейнер эшигини очиб, бошини чиқариб кўпол охангда “кейин гаплашамиз” деб эшикни ёпиб олгани, шундан кейин Б.Ортиқовни бошқа чақирмасдан қайтиб кетгани ҳақидаги;

гувоҳ А.Рахмоналиевнинг судда, 2022 йил 21 август куни соат 13 ларда туман марказий шифохонасига бемор олиб келиб ташқарида ўтирганида, тез-тиббий ёрдам бўлимининг кириш эшиги олдида бақир-чақир овозлар эшитилгани, ўша ерга борганида кейинчалик танигани судланувчи Б.Ортиқов “Спарк” автомашинасида ўриндиқда бош қисмида жароҳатлари бўлган, қонга беланган, ҳушсиз ҳолдаги бир аёлни олиб келганини кўргани, Б.Ортиқов ўздан ёрдамлашиб юборишини сўраганида ўша аёлни автомашинадан кўтариб олишда Б.Ортиқовга ёрдамлашгани, Б.Ортиқов аёлни кўтариб жонлантириш бўлимига олиб кириб кетгани ҳақидаги;

гувоҳ Х.Аъзамовнинг судда, Олтиариқ тумани, “Устоз” МФЙ ҳудудида жойлашган озиқ-овқат савдо дўконида сотувчи бўлиб ишлаши, судланувчи Б.Ортиқов таниши экани, 2022 йил 21 август куни соат 13<sup>30</sup> ларда Б.Ортиқов дўконга кириб келганида унинг эғнидаги оқ рангли футболкасини кўкрак қисми ва кўк рангли шортигини чап оёқ қисмида қон доғларини кўргани, Б.Ортиқов ўша пайтда жуда асабий ҳолатда бўлгани ва телефон беришни сўрагани, унга телефони берганида қўллари қалтираб телефонни ушлай олмагани ва Б.Ортиқовга рақамни айтса ўзи териб беришини айтганида Б.Ортиқов 91-120-10-79 рақамини териб беришни сўрагани, терганида ўчирилган бўлгани, сўнг Б.Ортиқов баттар асабийлашиб, бақиргани ва иккала



қўллари билан бошини ушлаб “мен одам ўлдириб қўйдим, билмай қолдим, билмай қолдим, ўлдириб қўйдим” дегани, шундан кейин муздек сув кейин эса сигарет сўраганида унга бергани, Б.Ортиқов сигаретни олиб ташқарига югириб чиқиб кетгани шунда ўзи хоқим ёрдамчиси лавозимида ишловчи С.Ибрагимовга қўнғироқ қилиб бўлган ҳолатни айтиб бергани, кейинроқ ИИБ ходимлари етиб келишиб, дўконга ўрнатилган кузатув камераларидаги видеоёзувларни текширишгани ва Б.Ортиқов турмуш ўртоғини қасддан ўлдиргани ҳақида ходимлардан билгани ҳақидаги;

гувоҳ С.Ибрагимовнинг суддаги ҳақиқатдан ҳам 2022 йил 21 август куни таниши Х.Аъзамов қўнғироқ қилиб Б.Ортиқов унинг дўконига эғнидаги кийимлари қон ҳолатда кириб, одам ўлдириб қўйганини айтгани, сув ва сигарет сўраб ташқарига югуриб чиқиб, “Спарк” автомашинасида кетиб юборгани ҳақида маълум қилгани, шунга кўра ўзи ҳудуд профилактика инспектори О.Орзиқуловга ҳабар бергани ва Х.Аъзамовнинг савдо дўконига борганида ўша ерга ИИБ ходимлари келишиб суриштирув ҳаракатлари олиб боришгани, кейинчалик Б.Ортиқов турмуш ўртоғини қасддан ўлдиргани ҳақида ходимлардан билгани ҳақидаги кўрсатувлари;

шунингдек ишдаги гувоҳлар Ш.Ортиқов ва Н.Мўйдиновнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, нарсаларни олиш, кўздан кечириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари, суд-тиббий, психатрия, криминалистик, биологик экспертизасининг ҳулосалари, фотосуратлар ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумнинг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори 4-бандида, қасддан одам ўлдириш жиноятини жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятдан фарқлаш учун айбдорнинг қасди нимага қаратилганлигини, унинг ўз ҳаракатлари оқибати, яъни жабрланувчининг ўлимига нисбатан субъектив муносабатини инобатга олиш даркорлиги, қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш ниятида ҳаракат қилиши, баданга оғир шикаст етказиш шахсининг ўлимига сабаб бўлган ҳолларда эса, ўлимга нисбатан унинг айби эҳтиётсизлик шаклида ифодаланиши, айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг барча ҳолатлари мажмуидан келиб чиқилиши, хусусан, жиноятни содир этиш усули ва қуроли, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги), жиний ҳаракатлар тўхташи сабаблари, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари, айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти эътиборга олиниши лозимлиги, 5-бандида, агар қилмишда Жиноят кодекси 97-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган квалификация белгилари, шунингдек, мазкур Кодекснинг 98-101-моддаларида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, масалан, қотиллик безорилик туйғулари билан



эмас, балки ўзаро жанжал ёки уришиш натижасида, рашк туфайли, ўч олиш, ҳасад, адоват, нафрат оқибатида содир этилган бўлса, қасддан одам ўлдириш жинояти ЖК 97-моддасининг биринчи қисми бўйича квалификация қилиниши белгиланган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Б.Ортиқовнинг турмуш ўртоғи М.Исақовани қасддан ўлдирганликдаги ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Шу сабабли, суд ҳимоячининг судланувчи Б.Ортиқовни қилмишини ЖКнинг 98-моддасига қайта квалификация қилиш ҳақидаги илтимоси билан келишмади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши, жазолашдан кўзланган мақсадга тегишли моддада назарда тутилган энгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги, 8-моддасида эса жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиши, 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 26-бандида, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд қайд этилган Қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи Б.Ортиқовга жазо тайинлашда, унинг шахси, қилмишидан пушаймонлиги, оилавий аҳволи, марҳум қонуний вакилининг даъвоси йўқлиги, муқаддам судланиб, ўзига тегишли хулоса чиқармаганлигини инобатга олиб, модда санкциясида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси 34-моддаси 3-қисми “а” бандида, илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилиши белгиланган.



Суд қайд этилган Қонун талабига риоя қилиб, судланувчи Б.Ортиқов илгари ўта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, яна қасддан ўта оғир жиноят содир этганлиги сабабли, уни ўта хавфли рецидивист деб топишни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, жиноят оқибатида етказилган зарарлар масаласи ва ашёвий далиллар тақдирини муҳокама қилиб, марҳумнинг қонуний вакили М.Исақованинг судланувчи Б.Ортиқовга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар бўйича даъвоси йўқлигини инобатга олишни;

ашёвий далил деб эътироф этилган ва жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган қонга ўхшаш доғлардан олинган намуналар, тўрт дона ўроқ дастаси синиқлари, ёғоч сопли хўжалик пичоғи, кичик ҳажмли кетмон ёғоч дастаси ва темир қисми, темирдан ишланган дастасиз ўроқ, дастаси ярим синиқ ўроқ, темир бўлағи, мато қирқими, труба ва одеялни йўқ қилишни;

икки дона пружинасимон ва матодан ишланган заколка, бир жуфт аёллар шиппаги, сийнабанди, трусиги, кўйлаги, шими, “XIAOMI” ва “NOVEY” русумли телефон апаратыни марҳумнинг қонуний вакили Х.Исақовага, бир жуфт эркалар туфлиси, икки дона эркалар футболкаси, шими, калта иштони (шортик) ва камарини судланувчи Б.Ортиқовнинг яқин қариндошларига қайтаришни;

бир жуфт аёллар зирагини марҳумнинг қонуний вакили Х.Исақовага тилхат орқали қайтарилганлигини инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454, 456-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб,

### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ортиқов Бунёд Бозоржонович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Б.Ортиқовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Б.Ортиқов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилсин.

Жазони ўташ муддати 2022 йил 21 августдан бошлаб ҳисобланиб, жазони махсус тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Б.Ортиқовга қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Марҳумнинг қонуний вакили Х.Исақованинг моддий ва маънавий зарарлар бўйича даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган ва жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган қонга ўхшаш доғлардан олинган намуналар, тўрт дона ўроқ дастаси синиқлари, ёғоч сопли хўжалик пичоғи, кичик ҳажмли кетмон ёғоч дастаси



ва темир қисми, темирдан ишланган дастасиз ўроқ, дастаси ярим синиқ ўроқ, темир бўлаги, мато қирқими, труба ва одеял йўқ қилинсин.

Икки дона пружинасимон ва матодан ишланган заколка, бир жуфт аёллар шиппаги, сийнабанди, трусиги, кўйлаги, шими, “ХИАОМГ” ва “NOVEY” русумли телефон аппарати марҳум қонуний вакили Х.Исақовага, бир жуфт эркаклар туфлиси, икки дона эркаклар футболкаси, шими, калта иштони (шортик) ва камари судланувчи Б.Ортиқовнинг яқин қариндошларига қайтарилсин.

Бир жуфт аёллар зирагини марҳумнинг қонуний вакили Х.Исақовага тилхат орқали қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи ва марҳумнинг қонуний вакили эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олгандан кундан бошлаб, йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция шикояти ва протест беришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

Б.Эргашев

Халқ маслаҳатчилари:

Р.Мирзажонов

Н.Худайкулов



Раислик қилувчи: /имзо/  
Халқ маслаҳатчилари: 1. /имзо/ 2. /имзо/

Ҳукмнинг кўчирма нусхаси аслига тўғри,  
туман судининг раиси

Б.Эргашев

